

Ақийда дарслари (170-дарс). «Исмат» ўзинима?



17:18 / 14.02.2022 6501

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг оддий кишилардан ажраб турадиган бирдан-бир сифатлари маъсумликларидир. Яъни, маъсият қилиш, шаҳватларга берилиш, мурувватга футур етказадиган ва инсонлик қадрини кетказадиган нарсалардан четда бўлишларидир.

Пайғамбар алайҳиссаломлар одамларнинг энг гўзал ахлоқлилари, энг пок амал қиладиганлари, энг юраги тозалари ва тасарруфотлари энг тўғрилари дирлар.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг маъсумликлари «исмат» тушунчаси асосида дир.

«Исмат» сўзи луғатда «ман қилиш» – «сақлаш» маъносини англатади. «Исмат»нинг шаръий маъноси эса «Аллоҳ таолонинг Ўз пайғамбар ва набийларини гуноҳ ва маъсият ҳамда мункар ва ҳаром ишларни қилишдан сақлаши дир».

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини хулқий ва жасадий айблардан ҳамда бошқалар нафрат қиладиган касалликлардан ҳам асрагандир. Чунки Аллоҳ таоло одамларни у зотларга эргашишга, иқтидо қилишга ва уларнинг йўлидан юришга амр қилгандир. Пайғамбар алайҳиссаломлар барча башарга яхши ўрнақ дирлар. Агар улардан маъсият

ва мункар ишлар содир бўлиши жоиз бўлса ёки мазкур нуқсонлардан бирортаси мавжуд бўлса, у нарсалар шариатда бор нарсаларга айланиб қолади. Бу эса мутлақо мумкин эмасдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини маъсум қилгандир. Аллоҳ таоло барча пайғамбарларни Ўзининг доимий инояти ила ўрагандир. У Зот Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб:

‡ □□□□

«Бас, Роббингнинг ҳукмига сабр қил. Албатта, сен риоямиздасан»,
деган (*Тур сураси, 48-оят*).

Афсуски, бошқа динларда Пайғамбар алайҳиссаломларга турли гуноҳларни қилганлик нисбатлари берилади.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди